Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 7 апрель, № 68 (5488) Шанба

Изчил ислоҳотларнинг юксак самараси

Ҳар йили 7 апрель Жаҳон саломатлик куни сифатида халқаро миқёсда нишонланади. Бунда тиббиёт тизимидаги янгиликлар таҳлил этилади, бу борада муваффақиятга эришаётган мамлакатлар тажрибаси ўрганилади.

Тиббиёт

Фахр билан айтиш жоизки, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди ва бу борадаги ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Зеро, Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. ОИВ ва ОИТС, сил касалликлари, эмлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ташқи муҳит, овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги каби йўналишларни қамраб олган лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1998 — 2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ислоҳот жараёнларини янада такомиллаштириб, фаолиятлар изчиллигини кучайтирди. Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил сентябрь ойидаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2007 йил октябрь ойидаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши тизимни янада ривожлантириш борасидаги эзгу мақсадлар йўлида дастуриламал бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича айни кунда республикамизнинг барча вилоятларида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, замонавий технологияларга эга, малакали кадрлар билан таъминланган замонавий диагностика марказлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Наманган

Эгасини топган мулк қадрини ҳам топади. Норин туманидаги “Ҳаққулобод-2” сув тиндириш иншоотида фидойи инсонлар саъй-ҳаракати билан қувватлар қайта тикланиб, хонадонларда яна зилол сув оқа бошлади.

Қувватлар қайта тикланди

Гап шундаки, анча муддат илгари ҳашар йўли билан барпо этилган мазкур иншоот ҳар жиҳатдан эскириб, талаб даражасида фаолият кўрсата олмаётган эди. У “Фотима Ҳусанбой дийдор ширин” корхонаси тасарруфига ўтказилгач, бу ерда кенг кўламли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 400 миллион сўмлик инвестиция киритилиб, янги агрегатлар ишга туширилди. Айни пайтда корхона жамоаси 2,5 гектар майдонда боғ яратиш ҳамда мевани қайта ишлаш цехи барпо этиш ҳаракатида.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах

Мирзачўл туманидаги “Умид тезкор таъмир” масъулияти чекланган жамияти фаолият турини кенгайтириб, ўз маблағи ҳамда банкнинг 31 миллион сўмлик кредити ҳисобига янги лойиҳани амалга оширди.

Янги лойиҳа ва тежамкорлик

— Ўтган йили 120 ўринли умумий овқатланиш шохобчаси, бетон ғишт ҳамда мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехларини ишга туширган эдик, — дейди жамият раҳбари Абдувоҳид Шодиев. — Биноларни ўзимизда тайёрланган ғиштдан барпо этганимиз сарф-харажатлар тежалишида муҳим омил бўлди. Автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиши эса 16 кишилик жамоамизга яна 5 нафар қишлоқ ёшлари қўшилишини таъминлади.

Ўтган йили туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 8 миллиард сўмлик банк сармоялари йўналтирилди ва 2367 та иш ўрни яратилди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Урганчлик тадбиркор Музаффар Худойберганов саъй-ҳаракати билан маҳсулотларни қадоқлашда кенг қўлланиладиган полиэтилен ва термоплёнка маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Қадоқлашда кенг қўлланилади

Ишлаб чиқариш цехлари хорижнинг илғор технологик линиялари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда ойига 10 тонна 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. “Урганч ёғ” ҳамда “Шароб” акциядорлик жамиятлари корхонанинг биринчи мижозлари бўлишди. Уларга дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Шу пайтга қадар мазкур корхоналар бу турдаги қадоқлаш ашёларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келтиришар эди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Яқинда Қарши туманининг Манғит қишлоғида иш бошлаган “Сантехйиғмажиҳоз” масъулияти чекланган жамиятида полимер мармарли ванна ҳамда ошхона жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Турли ўлчам, кўркам дизайнда

Турли ўлчам ва шакл-даги мазкур маҳсулотлар нафақат сифати ва арзонлиги, балки замонавий дизайни билан ҳам шу турдаги жиҳозлардан ажралиб туради.

— Ҳозир дастлабки маҳсулотларимизни намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлар учун етказиб бераяпмиз, — дейди жамият раҳбари Умаржон Хидиров. — Тез орада уларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларига сотишни режалаштирганмиз.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Манфаатли ҳамкорлик ва имконият

Бу ҳудудий саноат ярмаркаларида яққол намоён бўлаётир.

Бухоро шаҳрида ташкил этилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси тадбир иштирокчилари учун жуда самарали кечди. Унда вилоятдаги 151 ишлаб чиқариш, 21 хизмат кўрсатувчи корхона

Ярмарка

қатнашди. Икки кун давом этган тадбирда тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, янги шериклар топиш имконига эга бўлиб, фойдали шартномалар туздилар.

Когонда фаолият юритаётган “Трубодеталь” унитар корхонаси ана шундай жамоалардан бири ҳисобланади. 640 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти.

— Биз ойига 2,5 миллиард сўмликка яқин бутловчи қисм ҳамда металл конструкциялар тайёрлаймиз, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Қурбон Турсунов. — Маҳсулотларимиз нефть ва газ саноати корхоналарининг асбоб-ускуналари чидамлилигини узайтиришга хизмат қилади. Маҳаллийлаштириш дастурига биноан, жорий йилнинг ўтган даврида 2,2 миллиард сўмлик, 307 тонна бутловчи қисмлар ишлаб чиқардик. Ярмарка мижозларимиз сони кўпайишига, корхонамиз салоҳиятининг ошишига замин яратади.

(Давоми 2-бетда).

БИРДАМЛИК ВА ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР БАЙРАМИ

Сурхондарё вилоятида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг анъанавий лойиҳаси “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” номли акция бўлиб ўтди.

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Ёшлар анжуманининг асосий тадбирларига Термиз давлат университети ҳамда Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи мезбонлик қилди. Акция доирасидаги форумда, даставвал, “Келажак овози” ЁТМ фаолларининг лойиҳа ва таклифлари илгари сурилди. Тадбирда Мастура Ҳамроева, Авазбек Омонов каби иқтидорли ёшларнинг “Ахборот-ресурс маркази фаолиятига электрон манбаларни кенг татбиқ этиш”, “Интернет журналистикаси имкониятлари”, “Ёш тадбиркорларга мўлжалланган семинар-тренинг дастури” сингари ғоялари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Лойиҳа дастуридан ўрин олган яна бир тадбир — “Таълим ва карьера” кўргазма-ярмаркаси юзлаб битирувчи ёшларни жалб этди. Кўргазмада ёшларга етакчи корхона ва ташкилотларнинг 4 мингга яқин бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Натижада 472 нафар йигит-қиз ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

— Тадбирда қатнашиб, ёшларимиз орасида замонавий технологиялар сирини пухта ўрганишга муваффақ бўлганлар кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдик, — дейди МЧЖ шаклидаги “Шиндонг спиннинг Термиз” қўшма корхонаси мутахассиси Ирода Норқулова. — Корхонамизда пахта толасидан тайёрланаётган калава ип маҳсулотлари бугун экспорт қилинмоқда. Биласиз, харидор кўпайгани сайин ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бу борада мутахассислар билими ҳамда малакасидан унумли фойдаланиш зарур. Ана шу эҳтиёжларимиздан келиб чиқиб, кўргазма-ярмаркада бўш иш ўринларимизни тўлдирдик.

...Мафтуна Тўрақулова акция тадбирларида фаол қатнашиб, “Ҳаёт учун” хайрия марафонида биринчиликни қўлга киритганидан бениҳоя хурсанд.

— Бугунги тадбир, ҳақиқатан ҳам, биз, ёшларни бир жамоа, бир оила сифатида бирлаштирди, янгиданянги дўстлар орттиришимизга сабаб бўлди, — дейди у. — Акциянинг, айниқса, спорт ва журналистика йўналишидаги лойиҳалари тенгдошларимда катта таассурот қолдирди. Қизғин беллашувлар, турли йўналишдаги семинар-тренинглар, янгича таклиф ва мулоҳазаларга бой ижодий мулоқотларда билимимиз, дунёқарашимизни янада бойитдик.

Тадбир доирасида, шунингдек, турли мавзуларда форум ҳамда тренинглар, Термиз шаҳрининг тарихий гўшаларига саёҳатлар ташкил этилди. Бирдамлик ва шижоат байрами тусини олган ёшлар анжумани санъат усталарининг концерт дастури билан якунланди.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари нафақат ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдираяпти, балки уларнинг рақобатбардош маҳсулотлари хориж давлатларида ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ТАРҒИБОТ

Ишбилармонларнинг чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш жараёни эса божхона хизматига бевосита боғлиқ. Эътиборлиси, кейинги йилларда мамлакатимиз божхона тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида тадбиркорларга бу борада кўплаб имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан “Тошкент — Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплексида пойтахтлик ишбилармонлар учун ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” ҳамда “Божхона қонунчилигидаги янгиликлар, божхона имтиёзлари ва қулайликлар” мавзуидаги давра суҳбатида сўз юритилди.

Таъкидландики, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг иш юритиш ва янги тартибларнинг мазмун-моҳиятини англаб олишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис Давлат божхона қўмитасининг барча таркибий тузилмаларида ҳар ойда бир маротаба “Очиқ эшиклар куни”ни ўтказиш ва шу орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ахборот хизматлари:

Фаолият янада такомиллашади

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг бу борадаги фаолиятини бугунги талаб даражасида такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Тадбир

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари салоҳиятини янада ошириш, уларнинг матбуот билан амалий алоқаларини юқори босқичга кўтариш долзарб вазифалардан биридир. Шу боис Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан

(Давоми 2-бетда).

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИ

хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда

“Ҳунарманд” уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари, миллий қўғирчоқларнинг моҳир устаси Манзура Юсупова ёш ҳунарманд Орифжон Эргашев ҳақида “У бешиксозлар сулоласининг тўртинчи авлоди, янги-янги ихтиролари билан барчанинг ҳавасини келтирмоқда”, дейди қулфи-дили очилиб.

Қадрият

Меҳнатинг сингган жойга меҳринг тушади, дейдилар. Шунда иштиёқ куртаклари ялпоқ ёзади, азму шижоат учқунлари аланга олади, илҳом булоқлари кўз очади. Орифжоннинг бешикларини айнан ўша меҳр, иштиёқ, илҳом ҳосиласи дейиш мумкин. Негаки, улар бошқа бешиклардан фарқ қилади: пульт билан бошқарилади.

Ёш уста бешикнинг олд томони пастки қисмига ихчам аккумуляторли митти мотор ўрнатди. Юқори қисмига эса “МП-3” русумли овоз чиқаргични мустаҳкамлаб, “Алла”-лар ёзилган дискларни жойлади. Бу дисклардан таралаётган оҳанглар чақалоқларнинг “инга-инга”ларига ҳамоҳанг тарзда ё баланд пардаларга кўтарилади ёки пасаяди. Бунинг устига, бешик ихчамгина бўлиб тахланади. Ортиқча жой эгалламайди: уни поездда ҳам, самолётда ҳам бемалол олиб кетаверишингиз мумкин.

— Аввалги йили Францияда ўзбек халқ амалий санъати кунлари бўлиб ўтди, — дейди Манзура Юсупова. — Фаранглар уста Орифжоннинг бешикларига ниҳоятда катта қизиқиш билдиришди. Биз уларга бешикларимизда ҳазрат Алишер Навоий бобомиз, Бобур Мирзо, Нодирабегим сингари улуғ зотлар, алломалар улғайганини сўзлаб бердик.

(Давоми 2-бетда).

Изчил ислоҳотларнинг юксак самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги бундай ютуқлар 2011 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумда ҳам эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уюштирилган мазкур халқаро анжуманда нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис қатнашди. Юқори савияда бўлиб ўтган бундай халқаро анжуман хорижий мутахассислар томонидан эътироф этилди. Бу, албатта, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга эканлигини яна бир бор исботлади.

Ривожланган мамлакатларда аҳоли саломатлигига барча соҳалар ривожи, хусусан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Чунки мутахассислар берган хулосаларга қараганда, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатликка нисбатан бепарволик, масъулиятсизлик, лоқайдлик ҳамда кишилар руҳияти ва феъл-атворидаги нуқсонларни бартараф этиш орқали ҳар йили мамлакат ялпи ички маҳсулотини 9 фоизга тежаш мумкин экан. Таъкидлаш муҳимки, юртимизда истиқлолимизнинг ўтган даври мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача узайтирилишига эришилди. Шунингдек, ўтган 20 йил давомида оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди. Ўзбекистон 2011 йилда “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги бўйича давлатлар орасида 9-ўринда эканлиги эътироф этилди. Бундай муваффақиятлар мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик натижасидир. Шу маънода, бугун ҳам тиббиёт соҳасидаги эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан ҳукуматимиз томонидан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда Дастурда кўзда тутилган долзарб вазифаларни амалга оширишда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти жамоаси ҳам даволаш-профилактика муассасалари билан доимий ҳамкорликда иш юритиб, тиббиёт мутахассисларига ташкилий-услубий йўналишларда кўмак бериб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жамият тараққиётининг юксалиши ҳамда келажак ҳаётимиз янада равнақ топиши учун барчамиз ҳамкорликда иш олиб бориб, халқимиз саломатлиги йўлидаги ислоҳот жараёнларига масъулият билан ёндашган ҳолда фаолият юритсаккина, олдимизга қўйган асосий мақсадларга эришамиз.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори, тиббиёт фанлари номзоди.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Мустаҳкам соғлиқ – узоқ умр гарови

Пойтахтимизда 7 апрель — Жаҳон саломатлик куни муносабати билан анжуман ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси, Омбудсман ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда юртимиз олимлари ҳамда хорижлик мутахассислар “Мустаҳкам соғлиқ — узоқ умр гарови” мавзуидаги илмий маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман сўнгида оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда оғир тиббий-ижтимоий хасталикларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ярмарка кўплаб кичик бизнес вакиллари билан гавжум бўлиб, улар ўз маҳсулотларини ушбу тадбир асосида янги мижозларга танитдилар.

— Биз кўргазма қатнашчиларига ёғочга ишлов бериш ҳамда нуқтали пайвандлаш ускуналарини таклиф қилаяпмиз, — дейди қоровулбозорлик тадбиркор

Манфаатли ҳамкорлик ва имконият

Бу ҳудудий саноат ярмаркаларида яққол намоён бўлаётир.

Қўзибой Аралов. — Улар дурадгор усталарга, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун жуда керакли дир. Ўқув муассасалари устахоналари шу дастгоҳлар билан жиҳозланса, айни муддао бўлур эди. Чунки биз тайёрлаётган жиҳозлар турдошларига қараганда электр энергияси сарфини 50 фоизга тежаш имконини беради.

Ярмарка қатнашчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг ана шундай ғоялар, эзгу ташвишлар оғушида эканлигини ҳис этасиз. Бу ерда ишлаб чиқарувчиларнинг салоҳияти, имкониятларидан хабардоргина бўлиб қолмай, Бухорода тадбиркорлик равнақи йўлида жуда катта ишлар амалга оширилаётганининг шоҳидига айланасиз. Зеро, ярмаркадан кўзланган асосий жиҳатлардан бири ҳам шу.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълим тизимининг ҳуқуқий кафолати

Глобаллашув шароитида билимли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш ҳар доимгидан долзарб маъно касб этмоқда.

Парламент ҳаёти

Зеро, бу демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим вазифа ва ҳал қилувчи кучдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ Президентимиз томонидан ёшларга замонавий стандартларга мос таълим-тарбия бериш ҳамда жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишлари учун барча қулайликлар яратиб берилди. Бу йўлда муҳим ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий пойдеворга асос солинди. Пировардида ўтган давр мобайнида ўзбек таълим модели ўзининг юксак самараларини берди. Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим сифатини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида ана шулар таъкидлаб ўтилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этди.

Маълумки, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар рўёби чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишларини янада изчиллик билан давом эттириш имконини беради.

Тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим беришнинг сифати, ёшларни, айниқса, ўқувчи қизларни касб-ҳунар муассасаларига қамраб олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги қайд этилди. Унда алоҳида таъкидланганидек, жорий йилда республикамизда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз тамомлайди. Бинобарин, уларнинг қаерга ишга жойлашишини аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва сўнгра ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши доимий назоратга олиниши муҳимдир.

Давра суҳбатида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олдида турган аниқ вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш сифатини ошириш, дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар билан таъминлаш бўйича зарур йўналишларга эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган мавзу юзасидан сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўзларининг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Тадбирда муҳокама этилган масала бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саиджон МАХСУМОВ.

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИ

хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол шарофати туфайли, Юртбошимизнинг доимий эътибори билан Орифжонга ўхшаш изланувчан, фидойи ҳунарманд-ёшлар аждодларимиздан қолган устачилик мактабларини, уларнинг энг гўзал ва бетакрор намуналари ҳамда анъаналарини давом эттириш баробарида, сайқал ҳам бермоқдалар. Ҳунармандларимиз миллийлик, шарқона руҳ уфуриб турган нақшлари, заргарона маҳорат билан сайқалланган кулоллик буюмлари, масофадан туриб бошқариладиган бешиклари, сўзанаю дўппилари, бошқа жойларда учрамайдиган совғабоп пичоқлари билан эъзоз топмоқдалар. Санъат асари даражасига етказиб ишланган буюмлар, миниатюра намуналари, тақинчоқлар, кийимкечаклар эса жаҳоннинг энг нуфузли кўргазмаларида намойиш этилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги Фармонига асосан, Ўзбекистон халқ усталари ва бадиий ҳунармандларининг “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил этилгани соҳа вакиллари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бугунги кунда андижонлик усталардан 1100 нафардан зиёди ушбу уюшмага аъзо эканлиги бунинг тасдиғидир.

Айни пайтда бу ташкилот ходимлари бадиий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларнинг отаболаларимиз касбларини пухта эгаллашлари учун ўқишлар ташкил қилиш, “Устоз — шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, усталарнинг буюмлари кўргазмаларини уюштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бунинг самараси ўлароқ, миллий меъморлик ечимига эга бўлган, замонавий иморатларга шарқона руҳ, ўзгача гўзаллик ҳамда кўркамлик бахш этаётган ўймакор эшиклар, устунларнинг моҳир ижодкори избосканлик Йўлбарс Ўтаганов элга танилди. Унинг бетакрор ўймакор эшиклари эндиликда Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, Андижондаги Бобур, Чўлпон ёдгорлик музейлари, Андижон аэропорти ва бошқа биноларга кўрк бағишлаб турибди. Асарлари эса вилоят адабиёт ва санъат музейи, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи билан бирга, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Ҳиндистон каби қатор давлатларнинг коллекционерлари жамғармасида сақланаяпти.

Ёғочга “жон” бахш этаётган бу устанинг камтарона меҳнати ҳам юксак баҳоланган. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” унвонига сазовор бўлди. “Ташаббус” кўрик-танловларининг совриндорлари қаторидан ўрин олди. Президентимизнинг махсус совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, уста Нурматжон Шарипов шарқона миниатюра санъати билан донг таратган бўлса, Муталлибжон Содиқов Андижонга хос услуб ва ранг жилоларининг анъанавий нусхаларини тиклади.

Маълумки, тўқувчилик халқимизнинг энг қадимий, шу билан бирга, эъзозли ҳунарларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам устазодалар ўзларига яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқимиз эҳтиёжи учун зарур сурп, алак, беқасам, мисриш, атлас, адрас ҳамда олача деб номланган матоларни тўқиш билан шуғулланмоқдалар. Уларга бўлган талаб эса тобора ошиб бормоқда. Қорасув ҳамда Шаҳрихон пичоқсозлик мактабларига асос солингани ҳам кутилган натижаларни бераяпти. Хусусан, шаҳрихонлик устазода Раҳматхўжа Алихўжаев ҳамда унинг истеъдодли шогирди Содиқжон Неъматов томонидан дастаси кийик, буғу, тоғ эчкиси, каркидон суяклари, фил тишларидан тайёрланиб, садаф кўзлар, ажойиб нақшлар билан безатилган совғабоп пичоқлар Греция, Италия, араб мамлакатлари, Хитой ва бошқа юртларга ҳам етиб борган, нодир буюм сифатида асраб-авайланаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Қисқаси, “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бўлимининг аъзолари — ҳунармандларнинг салоҳияти, уларнинг қўлида сайқал топган буюмлар ўзининг жозибаси, мафтункорлигию бетакрорлиги билан хорижликларни ҳам ҳайратга солаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ТАРҒИБОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги йилларда божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш, тадбиркорлар учун имтиёзлар ва қулайликлар жорий этиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш ва экспорт операцияларини янада соддалаштириш имконини бермоқда.

Одатда, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда, яъни савдо шартномаси тузишдан тортиб, товарларни жўнатгунга ёки қабул қилгунга қадар тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламини тақдим этишига тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, кўп вақт ва маблағ сарфланишига, товарлар нархининг ўсишига таъсир кўрсатади.

“Бир дарча” тизими эса тадбиркорларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, барча тегишли давлат органларига рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имконини беради.

Тадбирда 2011 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб божхона юк декларацияларининг электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган электрон нусхасини тақдим этиш тартиби ҳақида ҳам батафсил ахборот берилди. Айтиш керакки, божхона органлари фаолиятига “реал юк — виртуал ҳужжат” тамойилига асосланган мазкур тартиб босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Соҳадаги муҳим янгиликлардан яна бири Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги “Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорига асосан жорий қилинди. Унга кўра, 2012 йилдан эътиборан четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳлари махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилинадиган бўлди. Бу жараён тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, бунинг учун ҳеч қандай тўловлар қабул қилинмайди. Демак, маҳсулот таннархи ҳам ошмайди.

Мухтасар айтганда, божхона тизимидаги бу каби ўзгариш ва янгиланишлар тадбиркорларнинг эркин ишлашлари, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Тадбирда иштирокчилар соҳага доир шу ва бошқа янгиликлар билан кўргазмали намуналар орқали таништирилди.

Д. МУРОДОВ.

Ахборот хизматлари:
Фаолият янада такомиллашади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматларининг бу борадаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Ҳозирги пайтда уларни рўёбга чиқаришга қаратилган муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан 2011 — 2012 йилларга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилаётир.

Тадбирда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш ислоҳотларнинг моҳиятини жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу мақсадда ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан жамоатчиликни хабардор қилиш жараёнларини такомиллаштириш, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик асослари ва уларнинг айрим жиҳатлари, матбуот хизматларининг ОАВ билан самарали ҳамкорлиги каби мавзуларда фикр алмашилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эҳтиёт-шарт

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби, суғурта бозорининг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли унинг хизматларига талаб ҳам ортмоқда. Маълумки, бундан ўн беш йил муқаддам Президентимиз Фармонига асосан, “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилган эди. У дастлаб қишлоқ хўжалигидаги таваккалчиликларни суғурталаш билан шуғулланган бўлса, кейинчалик универсал суғурта компаниясига айланди.

Суғурта бозори:
ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

Бугунги кунда унинг 13 та вилоят дирекцияси, 187 та туман ва шаҳар бўлинмаси, 21 шўъба корхонаси ҳамда 566 та агентлик ваколатхонаси орқали суғуртанинг 17 класси бўйича 90 га яқин хизматлар таклиф этилаётгани ана шундан далолат беради.

— Бунда, табиийки, тизимга энг замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишига катта эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда, — дейди “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви раиси Фарҳод Каримов. — Масалан, охирги тўрт йил ичида ушбу йўналишда қарийб 400 миллион сўм сарфланиб, юқори ҳимояланган ва тезкор ишловчи технологиялар харид қилинди. Бу, ўз навбатида, компанияда маълумотлар алмашиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини жадаллаштириш баробарида, қимматли вақтни тежаш имконини ҳам бермоқда.

Таклиф этилаётган суғурта хизматлари рўйхатида, айниқса, аҳолининг соғлиғи, мол-мулки, жавобгарлигини суғурталаш йўналишларида мижозлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб яратилган ўндан ортиқ маҳсулотлар мавжудлиги, хусусан, уларнинг турлари чекка қишлоқларга ҳам фаол кириб бораётгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мижозлар экинлар ҳосилини, чорва моллари ва паррандаларини, мол-мулкларини, жавобгарликларини, молиявий муносабатларини суғуртавий ҳимоялаш учун хизматларимиздан фойдаланаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган йили улар билан 103068 та шартнома тузилгани бунинг тасдиғидир.

2011 йил мобайнида компания томонидан 4375503 та суғурта шартномаси кучга киритилиб, 37,5 млрд. сўмлик суғурта мукофоти таъминланди. Шундан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта тури бўйича жами 15,3 млрд. сўмлик суғурта мукофоти таъминланган бўлиб, 632818 та суғурта шартномаси тузилган. Ушбу мажбурий суғурта тури бўйича республика суғурта бозорида тузилган суғурта шартномаларининг 43,4 фоизи “Ўзагросуғурта” компанияси ҳиссасига тўғри келади. Олинган суғурта мажбурияти 3221,2 млрд. сўмни ташкил этиб, рўй берган турли йўл-транспорт ҳодисалари натижасида зарарланган транспорт воситалари ва учинчи шахсларга 1867,1 млн. сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилди.

Шунингдек, ўтган даврда компания томонидан суғурта мажбуриятлари бўйича жами 5,7 млрд. сўмлик товонлар тўлаб берилди. Унинг 1,6 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 1,2 млрд. сўми аҳоли ва 267,2 миллион сўми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келгани эътиборга молик.

Маълумки, юртимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш диққат-эътиборда турибди. Шундан келиб чиқиб, мазкур жабҳада ҳам компаниямиз тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Ишбилармонлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган “Тадбиркор”, “Соғлом авлод” ва “Фаровон ҳаёт” деб номланган махсус акциялар жорий этилгани ана шулар жумласидандир. Эътиборлиси, ушбу акцияларга қизиқиш ниҳоятда юқори. Унинг доирасида 1 468 618 та суғурта шартномаси тузилиб, 3,5 млрд. сўмлик суғурта мукофоти таъминлангани бунинг исботидир.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечириши йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шуни инобатга олиб, компания томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аллақачон белгилаб олинган. Унга кўра, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифати янада яхшиланади, фуқароларнинг молмулки, ҳаёти ва саломатлигини тасодифий ҳодисалар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарлардан суғуртавий ҳимоялаш ишларига устуворлик берилади. Шу мақсадда “Мустаҳкам оила” ва “Мустаҳкам оила равнақи” деб номланган суғурта хизматлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, кўп қаватли биноларда яшовчи аҳолига суғурта хизматларини янада кенгроқ жорий этиш учун уларнинг уй-жой, уй-рўзғор буюмлари ҳамда хонадонларини жорий ва капитал таъмирлаш, учинчи шахсларнинг мол-мулки бўйича фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиш ҳолатларидан тасодифан кўриладиган зарарларини қоплашда имтиёзли тарифлар қўлланиладиган суғурта полиси амалиётга киритилади.

Аҳолининг чорва молларини суғурталашда имтиёзли тарифлар, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Шаҳарлараро йўналишда қатновчи автобус йўловчиларини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт-шарт суғурта қилиш суғурта полиси” эса компания тизимидаги янгиликлардан ҳисобланади.

Тизим инфратузилмасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар негизидаги хизматларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад суғурталаш ёрдамида аҳоли ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодиётимиз тармоқларини модернизациялаш, технологик янгиланишларга қаратилган ислоҳотлар ишлаб чиқариш ва рақобатбардошликни ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, ҳар қандай корхона ўз маҳсулотларининг харидоргирлигини таъминлаш, замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланиб, самарадорликни ошириш эвазига янги иш ўринларини яратишга интилади.

ЮҚОРИ СИФАТ, ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Жумладан, “Тошкент лок-бўёқ заводи” ОАЖ ана шундай корхоналардан биридир. Ушбу заводнинг асосий бизнес стратегияси — бугунги ва эртанги кун талабига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Шу мақсадда 680 нафар аҳил жамоа сифатли лок-бўёқ маҳсулотларининг янгиданянги турларини яратмоқда. Хусусан, тўқ қизил, сариқ ҳамда мовий тусдаги ПФ-115 эмаль тури ишлаб чиқарилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунда корхона Давлат дастурлари асосида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажаришга эришмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологиялар билан жиҳозлаш каби талаблар мазкур дастурлар асосини ташкил қилади. Улар доирасида айни пайтда заводда эскирган жиҳозлар ва бутловчи қисмлар замонавийларига алмаштирилмоқда. Янги ўрнатилган компрессор ва юк ташувчи машиналар, лок-бўёқ материалларини қуйиш ва қадоқлаш тизимларининг алмаштирилгани ана шулар сирасидандир. Буларнинг барчаси электр энергиясининг тежалишига, ускуналар иш унумдорлигини оширишга имконият яратмоқда. Ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар эса корхонанинг ютуғи сифатида унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда асқотмоқда.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Айни пайтда тобора оммавийлашиб бораётган ва юксак мавқега эга бўлиши кўзда тутилган экологик тоза, истиқболли лок-бўёқ маҳсулоти — сувли дисперсион бўёқларни тайёрлаш жадал ривожланмоқда. Қувонарлиси, бу ерда ёғоч-тахта маҳсулотларини ёнишдан сақлайдиган сувли бўёқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Заводда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва уларни танлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Корхонада амалиёт ўташ имкониятига эга бўлган институт талабалари, техник йўналишдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари заводнинг ёш кадрлар захирасини ташкил этади. “Устоз — шогирд” анъаналарига биноан янги ишга қабул қилинганлар тажрибали ходимларга бириктирилган ҳолда иш ўрганиб, завод қошидаги ўқув-амалиёт курсларида билим ва тажрибаларини оширадилар.

— Жорий йилда янада сифатли лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди корхонанинг техник директори Фарҳод Файзиев. — Айни пайтда заводнинг янги қиёфасини яратиш бўйича қизғин ишлар бормоқда. Корхона логотипи ўзгартирилиб, маҳсулотлар учун янгича ёрлиқ ва идишлар дизайнлари яратилди. Бугунги кунда бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари асосида хом ашё ва керакли материалларни харид қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Мухтасар айтганда, бажарилаётган ишлар туфайли корхонанинг нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолаётгани заводнинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Шу боис корхона ходимлари янги бўёқ турларини ишлаб чиқариш учун астойдил киришганлар.

Марям АҲМЕДОВА.

Меҳрдан яйрар диллар

Оҳангарон туманидаги Мурувват уйининг мавжуд шарт-шароитлари тубдан яхшиланди.

Эзгулик

Бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, муассаса ҳудуди ободонлаштирилди. Мевали ва манзарали дарахтлардан иборат янги боғ ҳамда хиёбон ташкил этилди. Мазкур хайрли иш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 132 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, бу савобли ишдан бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳам четда турмадилар.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАШАББУС ВА ИЗЛАНИШ

тадбиркорлик ҳаракати ривожининг гаровидир

Бахмал тумани нафақат гўзал табиати, балки меҳнатсевар одамлари, айниқса, янгиликка интилувчан тадбиркорлари билан ҳам машҳур. Уларнинг ишбилармонлик қобилияти истиқлол йилларида юзага чиқиб, ҳудуд иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаяпти.

Масалан, ўтган йили саноат тармоқларидаги 200 та лойиҳанинг аксарияти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди. Бунинг учун 27 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Шундан 17 миллиард 390 миллион сўмини тадбиркорларнинг ўз маблағлари ташкил қилгани диққатга сазовор.

...Ота-бола тадбиркорлар — Қўчқор ва Жамшид Эшмуродовлар туманда уста ишбилармон сифатида ном қозонган. Чунки улар яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, истеъмол бозорини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айтайлик, Қўчқор Эшмуродов “Абубакир Анваров” хусусий фирмасига қарашли ёғ ишлаб чиқариш цехига раҳбарлик қилаётган бўлса, унинг фарзанди Жамшид “Жиззахдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти қошидаги “Бахмал винклер” нон цехи ва “Самандар Нурмонов” хусусий фирмасини бошқараяпти.

Лойиҳавий қиймати 125 миллион сўмга тенг бўлган ёғ ишлаб чиқариш цехини ташкил этишда “Алоқабанк”нинг Жиззах шаҳар бўлими томонидан ажратилган 75 миллион сўмлик кредит ва тадбиркорнинг 50 миллион сўм миқдоридаги ўз маблағи қўл келди. Бунинг ҳисобига замонавий ускуна ва жиҳозлар олиб келиниб, махсар, кунгабоқар ва кунжут ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тадбиркор маҳсулот сифатини янада яхшилаш, таннархини арзонлаштириш мақсадида хом ашёни ўзи етиштиришга аҳд қилди. Шу ниятда бу йил 100 гектар лалми майдонга махсар ва кунжут уруғини сепди.

“Бахмал винклер” нон цехи ҳам хорижнинг замонавий ускуналари билан қайта жиҳозланган бўлиб, бу ерда бир кеча-кундузда 3 тонна 600 килограмм қолипли нон ва 300 килограмм макарон ишлаб чиқарилаяпти.

— Корхонамизда тайёрланаётган нон, макарон, ёғ ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига “Самандар Нурмонов” хусусий фирмаси савдо дўконлари орқали етказиб берилаяпти, — дейди фирма раҳбари Жамшид Эшмуродов. — Сифатли савдо хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш мақсадида Ўсмат шаҳарчасидан ташқари, “Мўғол” ва “Новқа” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида дўконлар фаолияти йўлга қўйилган. Улар терминал ва касса аппаратлари билан жиҳозлангани харидорларга қулайлик яратаяпти.

Туманда кичик бизнес ҳаракатининг кенг қулоч ёзаётгани иқтисодиёт ривожи, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

Корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари ҳамда фуқаролар диққатига!

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Alfa Dominanta» инжиниринг компанияси

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларига тухум ва парранда гўшти етиштиришга мўлжалланган паррандачилик фермалари ҳамда хонадонларда товуқ боқиш билан шуғулланувчи фуқаролар учун «КБЭ» русумли қафас батареялари ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш имкониятига эга.

«КБЭ» қафас батареялари паррандачилик фермалари ва томорқа хўжаликларида интенсив равишда тухум етиштириш учун энг қулай қурилмалардан ҳисобланади. Товуқхонанинг ўлчамларига ҳамда мижозларнинг хоҳишига қараб, турли хилда жойлаштирилиши ва жиҳозланиши мумкин. Енгил ва мустаҳкам, ташқи таъсир ҳолатларига чидамли конструкцияга эга бўлиб, кам жой эгаллайди ҳамда мавжуд бино ва иншоотларни иситиш, совитиш, ҳаво алмаштириш жараёнлари учун харажатларни кескин камайтириш имконини беради. Янги композит материаллар қўлланилади.

Қафас батареяси русуми	Парранда сони	Ўлчамлари, м.		
		Баландлиги	Эни	Узунлиги
«КБЭ-56»	56	0,9	1,25	2,8
«КБЭ-112»	112	1,3	1,35	2,8
«КБЭ-168»	168	1,75	1,45	2,8
«КБЭ-224»	224	2,1	1,45	2,8

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй.
Телефон: (+99871) 244-01-93. Факс: (+99871) 244-04-56.

566R/441

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 13 январдаги 10-1119/20440-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 3. Розий 1-тор кўчаси, 24-уйда жойлашган, умумий майдони 6941 кв.м. бўлган, 2 та блокдан иборат, 4 қаватли бино-иншоот ва тикув цехидан иборат бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 395 486 494 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз www.1kms.uz

583-1Ф/1441

Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

583-2Ф/1441

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

катталар учун ногиронлар аравачаларини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш мақсадида қайта очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади.

Катталар учун ногиронлар аравачаси — 1 294 дона.

Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори (максимал) нархи 1 дона маҳсулот учун — 276 131 сўм, умумий суммаси — 357 313 514 сўм.

Тендерда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар тендер ҳужжатларини олиш учун Молия вазирлиги Ғазначилигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақамига ХККМ, Марказий банк бош бошқармаси, Тошкент шаҳар, МФО: 00014, СТИР: 201122919, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг шахсий ҳисоб рақами: 40011086026287795010014100 1, СТИР: 201190645, ОКОНХ: 97300 га 300000 сўм ўтказишлари керак.

Маҳсулотлар етказиб бериш муддатлари — 2012 йил II, III, IV чораклар да.

Тендерда ғолиб бўлган ташкилот маҳсулотларни ўз вақтида ишлаб чиқариши ва буюртмачи омборига етказиб бериши лозим.

Тендер комиссиясига ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 май соат 18.00 га қадар.

Тендер қатнашчиларининг дастлабки малакавий танлови 2012 йил 14 май куни соат 16.00 да ўтказилади.

Тендерда қатнашиш учун закалат суммаси — 5 000 000 сўм.

Тендерда қатнашувчи мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх имтиёзлари берилиши кўзда тутилади.

Тендер 2012 йил 15 май куни соат 10.00 да Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биносининг 1-қаватида бўлиб ўтади.

Тендерда иштирок этиш учун маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини таклиф қиламиз.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (8-371) 239-88-33, 239-88-46. Факс (8-371) 239-88-45.
Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-«А» уй.
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

588R/455

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 16 февралдаги 12-1103/12111(11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Тошкент» ҚФЙ, Боғистон маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 2536,51 кв.м., умумий қурилиш майдони 2450,68 кв.м.дан иборат, Мирзаобод ЙХТПТФКга тегишли, 0001-литердаги идора биноси, 0002-литердаги бостирма, 0003-литердаги қоровулхона, 0004-литердаги устахона, 0005-литердаги бостирма, 0006-литердаги омборхона, 0007-литердаги гараж, 0008-литердаги бостирма устахона, 0009-литердаги омборхона, 0010-литердаги ошхона, 0011-литердаги ҳожатхона, 0012-литердаги темир тўсиқ, 0013-литердаги ғиштли тўсиқ ва 0014-литердаги дарвозадан иборат идора ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 4 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

577Ф/1441

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси **Қурбоной УБАЙДУЛЛАЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

Башарият тамаддунида улкан салтанат яратиб, беназир шахс сифатида ўчмас из қолдирган соҳибқирон Амир Темур давлатнинг бардавомлиги оила мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини теран англаб, оила аъзоларига катта ғамхўрлик кўрсатиш билан бир қаторда, фарзандлар, қолаверса, неваралари тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратгани тарихдан маълум. Соҳибқирон узоқ муддатларга чўзилган юришлар чоғида ҳам оила аъзоларини ўзи билан бирга олиб кетганлиги ва доимо ғамхўрлик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар асосида Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр ва эъзоз топди. Улуғ аждодимизнинг “Темур тузуклари” асари мустақиллик йилларида миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди. Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз ташаббуси билан бу китоб мукаммал ҳолда янгитдан чоп этилди. Бинобарин, Мустаҳкам оила йили муносабати билан соҳибқироннинг бу борадаги ибратларидан сабоқ олиш ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз учун кони фойдадир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида соҳибқирон Амир Темур вафот этганда ундан ўттиз олтита эркак авлод (ўғил, невара ва эвара) қолганини ёзади. Кейинчалик улар янада кўпайиб бориб, тарихда Темурийлар сулоласини ташкил этди.

Табиийки, бу улкан салтанат учун замин яратиб кетган Соҳибқирон оила масалаларида асосий эътиборни нималарга қаратган, деган савол туғилади. Бу ҳақда ўша даврларда ёзилган манбаларда анчагина маълумотлар сақланган ва шунга таяниб айрим хулосалар келтириш мумкин.

> Соҳибқирон Амир Темур оилада, биринчи навбатда, аёлга ғамхўрликни жуда муҳим деб билган ва у Самарқандда яратган боғларидан бири — Боғи Беҳиштни малика Туман оғага атаб барпо эттирганди. Аёлнинг оиладаги ўрни билан бир қаторда, жамият ҳаётида иштироки масаласи ҳам унинг назаридан четда қолган эмас. Аёллар бунёдкорлик ишлари, жумладан, янги ерларни ўзлаштириш, боғлар яратиш, масжид, мадраса, хонақоҳлар барпо қилиш каби савоб ишларда ўз маблағлари билан қатнашганлар.

Оила борасидаги иккинчи муҳим масала Соҳибқирон наздида фарзанд тарбияси эди. Ул зот етти йиллик юриши чоғида аскарлари Мордин қалъасини қамал қилиб турган пайтда, Султонияда турган лашкар уғруқида Мирзо Улуғбек туғилгани ҳақида хабар келади. Амир Темур бу шодиёна шарофатига Мордин қалъаси қамалини тўхтатади ва уни мажбурий тўловдан озод қилади. Кейинчалик Улуғбекнинг илмдаги иқтидорини сезгач, набирасига алоҳида эътибор қаратади, билимини ошириб бориши учун барча имкониятларни яратади.

Бинобарин, ана шу эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинчалик Самарқандда Мирзо Улуғбек бошчилигида қўлга киритилган илмий натижалар бутун Европада тафаккур зулматини қуёш мисоли ёритиб тургани маълум ва машҳурдир.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан унинг хонадонида шарт деб қаралган кейинги масала — авлодларда давлат ишларини бошқариш масъулиятини шакллантириш, уларнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар томонлама чиниқтириш, қийинчиликлар олдида ўзни йўқотмаслик кабилардан иборат бўлган. Баҳодирлик ва давлатдорлик қобилияти авлодларга ёшлигиданоқ сингдириб борилган. Чунончи, Соҳибқироннинг тўнғич фарзанди Мирзо Жаҳонгир ўн тўққиз ёшида лашкарнинг манглай (авангард) қисмини бошқарган, мардимайдон бўлиб жанг қилган ва ғалаба қозонган. Амир Темурнинг иккинчи ўғли Мирзо Умаршайх 1370 йили Амир Ҳусайн устига Балхга қилинган катта юришда бевосита жангда қатнашган. Соҳибқирон салтанати тарихини унинг ҳаётлик чоғида ёзиб тақдим этган тарихчи Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида бу воқеани қуйидагича ҳикоя қилади:

“Ҳаммалари йиғилишиб Балх қалъасини ҳар тарафдан ўраб олдилар. Қалъа ичидан кўп отлиқ ва пиёдалар чиқиб жанг қилдилар. Амир Соҳибқироннинг фарзанди, дилбанди, жаҳон амирзодаси, адлу эҳсон қуёшининг шуъласи, бахтиёрлик тожининг гавҳари ўн олти ёшли Умаршайх баҳодир (қалъа) дарвозаси томон юрди. Уни бу ишдан ҳар қанча қайтармасинлар, фойда бермади. Шу ёшида ҳақиқий мардоналик кўрсатиб, душманларни тўхтатди. Аммо жанг охирида оёғига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Уста жарроҳлар ярали жойни доғладилар. У камоли ғайрати ва мардоналигидан оҳ демади, қошини ҳам чимирмади”.

Амир Темур учинчи ўғли Мироншоҳни 1380 йили Хуросон ўлкасини бошқаришга тайинлаганда, ўн тўрт ёшга тўлган эди. Соҳибқироннинг кенжа ўғли Мирзо Шоҳруҳ эса, ўн етти ёшидаёқ жанговар ҳаракатларда қатнашган ва отасининг вафотидан кейин Темурийлар давлатини нозик тадбир билан бошқарди.

Амир Темурнинг неваларидан Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон ўзининг жасорати, довюраклиги билан ажралиб турарди. Мовароуннаҳрнинг Шарқда Мўғулистон билан чегара қисмларини муҳофаза қилиш 1397 йили Муҳаммад Султон зиммасига юклатилганди, бу вақтда у йигирма икки ёшда эди. Мирзо Улуғбек ўн беш ёшида отаси Мирзо Шоҳруҳ томонидан Мовароуннаҳр ва ундан Шарқдаги вилоятларнинг ҳукмдори этиб тайинланди. Заҳириддин Бобур эса, 1494 йили ўн бир ёшида тахтга ўтирди.

> Аждодлардан бизгача етиб келган оила мустаҳкамлиги, равнақи, осойишталиги учун хизмат қиладиган қоидалар, тартиблар, удумларнинг бугунги кундалик ҳаётимизда ҳам муҳим ўрни борки, бундан унумли фойдаланиш эзгуликка хизмат қилади.

Омонулло БЎРИЕВ,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

республика кўрик-танлови

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, ийманъ-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она-юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шану шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич — 2012 йил 15 апрелдан 1 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич — 1 июлдан 20 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич — 20 июлдан 10 августгача Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун — энг кам иш ҳақининг 320 баробари миқдорида (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

Иккинчи ўрин учун — энг кам иш ҳақининг 220 баробари миқдорида (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

Учинчи ўрин учун — энг кам иш ҳақининг 110 баробари миқдорида (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона. Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси. Тел: (8-371) 239-43-73.

Ижодкорлар билан учрашув

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳамда эҳтиром туйғуларини мустаҳкамлашда бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс.

Маънавият

Бу, Наманган вилояти шаҳар ва туманларида таниқли ижодкорлар билан ўтказилган учрашувлар чоғида яна бир карра намоён бўлди.

Анжуман аввалида Алишер Навоий номли мусиқали драма театрида ташкил этилган учрашув, айниқса, мухлислар ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Унда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров, Шуҳрат Ризаев, Зиёвуддин Мансуров ва бошқалар истиқлол туфайли ижодкорларнинг изланиш ва интилишлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, бу эса, бадиий жиҳатдан етук, ўқувчи маънавий оламини бойитувчи асарлар кўпайишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мулоқотлар чоғида ёш қаламкашлар маҳоратини сайқаллаштиришда ижодий кўрик-танловлар ўтказиш, асарларини чоп этиш сингари омиллардан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Фарзанд тарбиясида таълим ва тарбияни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Биз, ўқитувчилар орасида “Таълим бериб тарбиялаш керакми ёки тарбиялаб таълим беришми?” деган ўзига хос тортишув юради. Узоқ йиллик тажрибадан келиб чиқиб, шу нарсани айта оламизки, келажагимиз эгалари бўлган болаларни тарбиялашда таълимнинг нечоғли муҳимлигини, таълим беришда эса тарбия биринчи галдаги вазифалар сирасига киришини унутмаслигимиз лозим.

ОТАДЕК УЛУҒ, ОНАДЕК МЕҲРИБОН

Албатта, таълим-тарбияда ота-онанинг масъулияти биринчи ўринда туради. Шу нарсани таъкидлаш керакки, бундан йигирма, ўттиз йиллар муқаддам баъзи ота-оналар ўз жигарбанди тақдирини мактабга, ўқитувчиларга ишониб қўя қоларди. Улар “Боламни едириб, кийинтираяпман, мактабга қатнаши учун шарт-шароит яратиб бераяпман, қолган вазифалар билан ўқитувчи шуғуллансин”, деб ўйларди. Ҳатто беш-олти нафар боласи ўқиган мактабга бирор марта келмаган ота-оналар ҳам бор эди. Бугунги кунда эса Президентимизнинг таълим-тарбия ишларига бўлган юксак эътибори ва ғамхўрлиги, баркамол авлодни камол топтириш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ота-оналар онгида ижобий ўзгаришлар ясади. Уларда фарзанди тақдири учун, энг аввало, ота-она, сўнгра мактаб масъул деган тушунча шаклланди. Қувонарли жиҳати, билимли, иқтидорли, истеъдодли фарзандлар келгусида эл-юрт корига ярайдиган шахс бўлиб вояга етишида масъул ва жавобгар эканликларини ҳис қила бошладилар.

Мен раҳбарлик қилаётган Учқўприк туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида мактаб-оила-маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ота-оналар билан ишлаш, улар билан суҳбатлар ўтказиш, ҳар бир тадбирга уларни таклиф этиш одатга айланган. Ҳафтанинг чоршанба куни “Ота-оналар куни” деб эълон қилинган. Шу куни улар мактабга келиб ўз фарзандларининг дарсларида қатнашиши, тўгарак машғулотларида иштирок этиши, ҳар бир фан ўқитувчиси билан суҳбатлашиши мумкин. Бу суҳбатларда фарзандининг ютуқлари, камчиликлари, феъл-атворидаги ўзгаришлар тилга олинади. Боланинг иқтидори уни келгусида қайси касбни эгаллаши мактаб руҳшуноси билан биргаликда муҳокама этилади.

Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири 9-синф битирувчиларининг касб танлаш жараёнидир. Айни кунларда мактаб руҳшуноси билан ота-оналар ўртасида боласининг лаёқати, қайси касб-ҳунарларга мойиллиги борлиги, қандай касб танласа келгусида оиласи, юрти, халқи учун манфаат келтириши ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда. Баъзи ота-оналар фарзандининг иқтидори етадими-йўқми, қатъи назар, ўз касбини давом эттиришини хоҳлайди, баъзиси эса ўзига армон бўлиб қолган касбни тавсия этади. Ана шундай пайтда мутахассис тавсияси асқотади. 2011 — 2012 ўқув йилида 9-синфни 49 нафар йигит-қиз тамомлаяпти. Ҳар бирининг келгуси тақдири учун масъул эканлигимизни англаган ҳолда, ўқув йили бошиданоқ ота-оналар билан ҳамкорликда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бугунги кунда битирувчиларимизнинг ҳар бири қаерда таълимни давом эттиришини белгилаб бўлди.

Ҳар бир ишда маслаҳат, ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун “Учқўприк” қишлоқ фуқаролар йиғини, туман ИИБ, прокуратураси, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари туман бўлимлари билан ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилган. Ўтказиладиган суҳбатлар, тадбирларда ўқувчилар ҳар бир соҳа вакилига ўзини қизиқтирган саволларни бериб, жавоб оладилар. Айниқса, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ўтказиладиган учрашувлар ҳаётий жиҳатлари билан қизиқарли кечади. Ўқувчилар қонунлар, уларнинг ижроси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб оладилар.

> Фарзанд тарбияси сезгир муносабатни талаб этади. Оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигида ҳикмат кўп, дейишганидек, бугунги кунда мактабимизда жиноятчиликка ёки ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар деярли йўқ. Бу эса отадек улуғ, онадек меҳрибон ўқитувчи-мураббийларнинг фидокорона меҳнати самараси, деб ўйлайман.

Санобархон СОТВОЛДИЕВА,
Учқўприк туманидаги 2-аниқ ва филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори.

Автокросс

Жиззах шаҳридаги Наврўзбулоқ трассасида автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати 1-босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Пойгачилар беллашуви

Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур беллашувда 56 нафар пойгачи 4 русумдаги автомобилларда совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Мусобақа якунида “Багги” русумли машиналарда биринчи ўрин самарқандлик Аслам Сафаров, иккинчи поғона наманганлик Олег Куликовга насиб этди. Кучли учликдан Самарқанд вилоятининг яна бир вакили Шуҳрат Обиджонов жой олди.

“А-7” ва “А-8” русумли автомобиллар пойгасида ҳам, асосан, самарқандликлар юқори натижаларни қайд этдилар.

“Нексия” русумли автомобиллар баҳсида эса маррага наманганлик Элдор Ишматов, жиззахлик Бекзод Одилов ва бухоролик Ато Бақоев ҳаммадан олдин етиб келди.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Самарқанд, Жиззах ва Наманган вилоятлари жамоалари кучли учликни эгаллади.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳикоят

Бир йигит кулолга шогирд тушиб, анча муддатдан кейин устозидан фотиҳа олди ва ўзи мустақил ишлай бошлади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, ясаган идишлари устозиникидек чиройли чиқмади. Ниҳоят, у бош эгиб устоз ҳузурига келди.

БИР УМРЛИК САБОҚ

— Уста, ясаган кўзаларим сизникидек чиқмаяпти, — деди ер чизиб.

Устоз шунақа бўлишини биларди. Кейинги пайтда шогирдининг, энди биз устага зор эмасмиз, ўзимиз уста бўлдик, деб бир-икки даврада керилганини эшитган эди. Шунинг учун унга кўза ясашнинг кўпгина сирларини ўргатди-ю, аммо синов учун битта сирни яшириб қолди.

— Нима бўлди, қани, бир бошидан айт-чи? — деди устоз. Шогирд ёзғирди:

— Ҳамма айтганларингизни қилдим, уста. Аввал лойни пишитдим. Сўнгра уни яхшилаб ийладим. Кейин тобига келсин, деб “дамлаб” қўйдим.

— Кейин?

— Кейин чархга қўйиб, кўза ясадим. Сўнг уни офтобга қўйиб қўйдим...

— Хўш, хўш?

— Ундан кейин хумдонга солиб қизаргунча пиширдим. Яна офтобрўяга қўйдим. Яхшилаб қуритмоқчи бўлдим-да, уста.

Уста “маъқул”, дегандек бош ирғади.

— Кейин десангиз кўзага гул сола бошладим. Бироқ қанча уринмай, сизникига ўхшаб ялтираб чиқмаяпти. Бир маслаҳат беринг, нима қилай, уста?

Устоз киноя қилди:

— Э, бир пуф қолиб кетибди-ю, ўғлим...

Шогирд ҳайрон бўлди:

— Қанақа “пуф”, уста?

— Ахир хумдондан чиқариб, офтобга қўйгандан кейин кўзани яхшилаб пуфлаш керак, шунда унга илашган чанг-чунг кетади. Бўлмаса, бўёқни яхши олмайди, демак, кўзанг ялтирамайди.

— Бу гапларни илгари айтмагандингиз, уста.

— Айтмабмидим, эҳ, эсим қурсин, — деб маъноли кулимсиради уста.

Шогирд бир нарсани англагандай бўлди, қиссадан ҳисса шуки: ҳеч қачон шогирд устоздан ўзини юқори қўйиб бўлмас экан. Зеро, устоз отангдек улуғ, деган нақл бежиз айтилмаган...

Бу ибратли ҳикоятни Навоий бобомизнинг мана бу сатрлари билан якунласак:

Агар шогирд шайхул-ислом,
агар қозидир,
Агар устоз андин рози —
Тангри розидур.

Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО

(7 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+7 +12	+8 +13	+8 +13	+10 +15	+8 +13	+10 +12
+20 +25	+23 +28	+23 +28	+25 +30	+22 +27	+23 +25

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5